

Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режими



- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги **"Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ПҚ-4996-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, сунъий интеллект технологиялари асосидаги инновацион бизнес-моделлар, маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш усуллари ривожланиши учун қулай ва мақбул экотизим яратиш, уларни белгилаб берилган устувор тармоқлар ва соҳаларда тезкорлик билан жорий этиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадида: **"Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"** 2021 йил «26» август санасида ПҚ-5234 сонли қарори қабул қилинди.

- **Махсус режим этиб унинг доирасида сунъий интеллект технологияларига асосланган тажриба-синов ишларини амалга ошириш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ фаолият юритувчи юридик шахслар ҳамда илмий ташкилотлар учун зарурий ташкилий-ҳуқуқий шароит яратиш, дастурий маҳсулотларни тажрибадан ўтказиш ва амалиётга жорий қилиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларда енгиллик яратиш тушунилади.**



- **Махсус режим** Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг алоҳида бўғини бўлиб, унинг иштирокчилари ИТ-парк резидентлари ҳисобланади ва улар ўз фаолиятини экстерриториаллик принципи асосида амалга оширади.
- **Тажриба-синов лойиҳалари** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон қарори билан тасдиқланган Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалари ҳамда устувор тармоқлар ва соҳалар доирасида амалга оширилади.

2021-2022 йиллар мобайнида.



“Тупроқ ва экинлар ҳолатини кузатиш ва таҳлил қилиш тизимини жорий этиш”
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги



“Электрон давлат хизматларини кўрсатиш учун фойдаланувчиларни биометрик аниқлаш (Face-ID)”
Мининфоком



“Юридик шахсларнинг солиқ тушумларини таҳлил қилишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш”
Давлат солиқ кўмитаси



“Бюджет харажатларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш”
Молия вазирлиги



“Пневмония ва кўкрак саратони касалига учун сунъий интеллект фойдаланиш”
Соғлиқни сақлаш вазирлиги



“Локомотивларни бошқаришда хавfli вазиятларда ҳайдовчиларни огоҳлантириш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш”
Транспорт вазирлиги



“Энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни башорат қилиш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш”
Энергетика вазирлиги




“Тижорат банкларининг меъёрий талабларга мувофиқлигини назорат қилиш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш”
Марказий банк



“Дори-дармонларда бозор эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва башорат қилиш учун сунъий интеллектни қўллаш”
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

махсус режим талабгорлари учун тажриба-синов лойиҳалари доирасида фаолиятга рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатларни тезлаштирилган ва соддалаштирилган ҳолда олиш тизими жорий қилинади.

СУЊИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШ
Бўйича МАХСУС РЕЖИМ ФАОЛИЯТИ Тўғрисида



- Махсус режим талабгорлари учун тажриба-синов лойиҳалари доирасида фаолиятга рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатларни **тезлаштирилган ва соддалаштирилган ҳолда олиш тизими жорий қилинади. Бунда:**
- махсус режим талабгорларининг аризалари **беш иш куни ичида тезлаштирилган тартибда кўриб чиқилади;**
- рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатларни олиш учун талаб этиладиган **ҳужжатлар рўйхати ваколатли давлат органи томонидан қисқартирилади;**
- рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатларни олиш учун белгиланган **тўлов миқдорлари 2 бараварга камайтирилади;**
- ваколатли давлат органи тегишли фаолиятни амалга оширишнинг **камайтирилган талаблари ва шартларини белгилайди;**

Махсус режим иштирокчиларига тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш доирасида:

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5099-сон Фармони билан ИТ-парк резидентларига берилган имтиёзлар ва преференциялар татбиқ этилади;**
- **ўз ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга кетган харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4862-сон қарорида белгиланган тартибда давлат томонидан компенсация қилинади;**

- зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни (давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир белгиларига эга бўлган маълумотлар бундан мустасно), шунингдек, шахсга доир эгасизлаштирилган маълумотларни вазирлик, идора ва ташкилотлардан **олиш ҳуқуқи берилади;**
- махсус режим фаолиятининг муддати **беш йилни** ташкил этади ҳамда унинг фаолият муддатини узайтириш "Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича **мувофиқлаштириш комиссияси** (кейинги ўринларда - Мувофиқлаштириш комиссияси)нинг **қарори асосида амалга оширилади;**
- тажриба-синов лойиҳалари **бир** йилдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.



Эътиборингиз учун раҳмат!